

## ТУРКИСТОНГА АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ ЖАРАЁНИ ВА КЎЧИРИЛГАН АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ТАРКИБИ

**Бойқабиллов Абубакир Адилбоевич**

Шароф Рашидов номидаги самарқанд Давлат Унверситетини Тарих факултети Магистранти  
Телефон +998972879187

**Аннотатсия:** Туркистонга аҳолини кўчириш жараёни ва кўчирилган аҳолининг ижтимоий таркиби, маҳаллий аҳолининг кўчирилган ва кўчиб келганлар билан манфаати ҳақида маълумотлар берилган.

**Калит Сузлар:** Туркистон, империя, принцип, ҳукумат.

**Аннотация:** Приведен процесс переселения населения в Туркестан и социальная структура переселенного населения, а также интересы местного населения с переселенцами и переселенцами.

**Ключевые Слова:** Туркестан, империя, принцип, правительство.

**Abstract:** The process of resettlement of the population to Turkestan and the social structure of the resettled population, as well as the interests of the local population with the resettled and immigrated people, are given.

**Key Words:** Turkestan, empire, principle, government.

### КИРИШ

Туркистонга аҳолини кўчириш жараёни ушбу соҳада империя ҳукумати томонидан махсус қоида ва низомлар яратиш заруриятининг вужудга келишига сабаб бўлган. Туркистонга кўчирилган аҳоли янги тарихий шароитда бир қатор муаммоларга дуч келиши табиий ҳоле ди. Аҳолини қабул қилиш шаҳобчаларидан янги жойларга кўчиб ўтиб, у ерга жойлашишдаги қийинчиликлар, дастлабки ертўла ва қамишқапалардаги ноқулай маиший турмуш, касбни ўзгартириш зарурати, барча ер фондларининг етишмаслиги, тақсимланган ерлар яроқли ва унумдор эмаслиги, ерга ишлов бериш учун ҳайвонларини ижарага олиш харажати ( ерни экиш учун ҳар бир десятина ҳисобига хўкиз ёки от бир рублдан икки рублгача ижарага олинган – дисс.) казаклардан олинадиган уй-жой ижараси қимматлиги ( бир йилга 30 рублгача – дисс) кабиларни кўрсатиш мумкин.

Шу сабаблар туфайли даврий матбуотда ўлкада кўчувчилар учун қулай ерлар борми, посёлкалар Туркистонда қандай принцип ва қоидалар асосида тузилади, кўчирилганлар янги табиий ва иқлимий ҳамда хўжалик шароитига қандай мослашмоқда каби масалаларда

бахс-мунозараларга қаратилган кўплаб мақолалар босилган. Аввало кўчирилганларнинг белгиланган ерга етиб бориши учун ҳужжат, қонун-қоидалар ишлаб чиқиб, уларда русийзабон деҳқонларни арзон чипта билан таъминлаш, юклари билан оилаларни араваларда темир йўл станцияларига олиб келиш, ҳар бир вагонга 15-20 оила қилиб жойлаштириш кабилар белгилаб қўйилганди. Кўчадиганларни йўлда озиқ-овқат билан таъминлаш, қайноқ сув ташкил этиш кабилар “Қоидалар” да кўрсатилган.

Манбаларда маълумот берилишича, 1870-йилларда аҳолини Туркистонга кўчириш жараёни ўзига хос йўл ва йўналишларга эга бўлиб, Оренбург-Тошкент масофаси 2000 чақирим, Астрахан орқали ўтадиган йўл бундан ҳам узод эди. Кавказдан Узун Ада ва Михайлов қўлтиғи орқали Туркистонга етиб келиш учун эса 1.5 минг чақиримлик чўл ҳамда саҳролардан ўтишга тўғри келар эди. Кўчмачилар Жанубий Сибирдан Акмолинск, Тўрғай, Уралск орқали йўлга чиққанда ҳам 1.5 минг чақирим қумлоқ чўл йўлларни босиб ўтишларига тўғри келарди. Ҳукумат Туркистонни кўчирилганлар учун ёпгандан сўнг, Туркистонга етиб келиш учун кўпгина кам ерли ва ерсиз деҳқон оилаларни ўз ихтиёрича, таваккал қилиб йўлга чиққанди. Туркистондаги унумдор тупроқ, қулай об-ҳаво, бой ҳосил олишдаги кенг имкониятлар кўчиб келган аҳолини умидлантирган эди. Ўз ихтиёрича кўчганлар Туркистон генерал-губернаторининг маркази-Тошкентга қараб йўлга чиқишган. Ҳукумат ва Туркистон генерал-губернаторлиги маъмур ва амалдорлари “Кўчириш бошқармаси” орқали ўз ихтиёри билан кўчган деҳқонларни ҳам вақтинчалик махсус аҳоли пунктларида жойлаштириш чораларини кўришга мажбур бўлган. Тошкент шаҳри чеккасида “Кўчириш бошқармаси” га қарашли атрофи лой-сувоқ билан ўралган каттакон бино - “Кўчириш саройи” бўлган. Бу саройда кўчиб келганлар вақтинча истиқомат қиладиган узун бараклар, вранчлик санитария даволаш ва назорат пунктлари мавжуд бўлган. Сарой бараклари 20-25 оилага мўлжалланиб, ҳар бир барак тўсиқ деворлар билан ажратилган, уларда қишнинг 3 ойлик совуқ кунларида яшаш учун тахта наралар қўйилган. Кўчувчилар иссиқ кунларда шол ва палаткалар тортилган чодирларда яшаган. Кўчириш саройида одамларга фақат қайноқ сув берилган, улар учун умумий қозон ва арзон овқатланиш йўлга қўйилмаган. Сарой майдонида аёллар ўз холича қозон осиб таом тайёрлашган, эркаклар шаҳарга иш қидириб кетишган, айримлар мардикорлик қилиб кундалик оила тирикчилиги учун маблағ топиб келинган, 200 тагача оилалар ҳукуматдан ер олиб, кишлоқларга кўчиб

кетиш умидида бўлганлар. Осма халталарда ганақалчи, тақдирини кутиб яшаётганларнинг кийимлари жойлаб қўйилган.

#### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Дехқонлар буғдойдан қилинган озик овқатга иситиш учун саксовул сотиб олдинга ўз захираларидан бир кунда 20-21 кўп маблағ сарфлашган. Ахён-ахенда кўчириш саройига ташриф буюрган мирзога ҳукуматдан пул ва ер сўраб ариза ёздириб олишиган, "Кўчириш бошқармаси" мутасаддилари бўшсрлар тонилгунча баракларлаги дехқонларни сабр билан кутишга ундаган. Олти ой ва бир йиллаб келажакдаги тақдирини кутиб, ғазаб ва нафратга тўлиб яшаётган дехқонлар оиласида очарчилик бошланар эди. Кўчириш саройида кашшоқлик, инфекциян касалликлар, болалар бевакт ўлими кабилар юз берган. Бундай омадсизлар учун қабристонлар яқинидаги бўш ерлар, темир йўл станциялари асосий бошпана бўлган. Сарой ва баракларда яшаш тартиб-қоидалари ҳукумат томонидан ишлаб чиқилганлиги манбалардан ўрин олган." Бироқ бу тартиб қоидалар асосида иш кўриш учун моддий имкониятлар чегараланганди, Қолаверса, "Кўчириш бошқармаси" дехқонлар учун кишлоқ ва посёлкалардан бўш ерлар топганида бундайларда на пул, на буюмлар қоларди. Уларда уй жихозлари, дехқончилик қуроллари, ишчи хайвонлари учун маблағ қолмаган. Кимдир ортга қайтиши учун ҳукуматдан арзон билет (чипта) сўраса, кимдир савобталаб, хайрия ташкилотларидан ёрдам сўраб, бирор бир посёлкада ўрнашиб қолган. 1907 йилга қадар ортга қайтмоқчи бўлганларга ҳукумат имтиёзли билет тақдим этган бўлса, кейин бу тадбир тўхтатиб қўйилган. Охир оқибатда Туркистонга "бахт ва фаровон хаёт" истаб келганларнинг бир қисми тиланчилик қилган, хотин қизлар жиноят ва хиёнатчилар сафига бориб кўшилган, катта ёшли эркак ва аёллар ҳеч вақосиз қолишган. "Туркистон тўплами" ва даврий матбуотда "бахт излаб" Туркистонга кетадиганлар ҳаракатини ҳукумат ҳамма вақт ҳам назоратига ололмагани, улар ўлим ва очликка маҳкум этилганлиги, бундайларни ватанга қайтариш тўғри йўл эканлигини маъқуллашга каратилган мақола ва хабарлар ҳам оз сонли бўлса да, босилган. Улар эътиқоди, урф одати, хўжалик анъанаси узоқ бўлган маҳаллий аҳоли орасида қолиб кетишган, ярим оч яшаса да, юртига қайтиш заруратини маъқул деб ҳисоблаганлар ҳам анчагина эди.

Таъкидлаш жоизки, кўчириш жараёнини назоратга олиш ва тартибга солиш учун империя ҳукумати озмунча куч сарфламади. Бироқ манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, давлатнинг бу масалада

ягона концепцияси мавжуд бўлмаган, асосан вазиятга қараб тахминий ва таваккалчилик асосида иш кўрилган. Айниқса, 1892 йилдан сўнг Туркистон ўлкасида русийзабон аҳолининг ихтиёрий кўчишлари авж олди. Ҳукумат таъқибига учрамай, русийзабон оилалар сув ресурслари мавжуд бўлмаган, йўл қурилмаган, сув чиқарилмаган, темир йўллардан узоқ бўлган жойларга кўчиб бориб жойлашганлар. Еттисувда ўз ихтиёрича кўчиб келганларни ортга қайтариш учун айрим пайтларда ҳукумат амалдорлари шафқатсизликдан иборат қалтис чоралар ҳам кўришгани манбаларда қайд этилган.

#### НАТИЖАЛАР

Еттисув вилояти ҳарбий губернатори Танович буйруғига кўра ўз ихтиёри билан кўчиб келганларнинг уйлари бузилиб, деразаси синдириб ташланган, иситиш печлари олиб кетилган. Агар шундай қилинса, кўчганлар совуқ қотиб, янги жойларини тарк этишади, деб ҳисоблашган. Ҳатто, ушбу вилоятда давлат руҳсатисиз кўчганлар табиати ноқулай, ери унумсиз бўлган Чу дарёси воҳасидан узоқларга ҳайдалган. Ушбу тадбирлар ва бошқа сабабларга кўра ўзича эркин кўчганлар қашшоқликка бардош беролмай, уларнинг 20-25 фоизи азалий яшаш жойларига яъни ўз губерняларига қайтиб кетишган. Маҳаллий аҳолининг кўчирилган ва кўчиб келганлар билан манфаати, эътиқоди, хўжалик ҳаёти мутлақо мос келмас эди, тил ва урф одати ҳам бутунлай ўзгача эди. Маҳаллий аҳоли ҳимоясиз эди. Шу тўғрисида кўчиришга қарши тура олмас эди. Мустамлакачи маъмурият кўчиб келганларни ортга қайтариш имконини ҳар доим ҳам қилмасдан, айрим ҳолларда уларни қўл меҳнати талаб киладиган тошлок, замонавий техника оркали ишлов бериш мумкин бўлган, анча пул, маблағ сарфлашга тўғри келадиган ерларга жойлаштирган. Моддий жиҳатдан қудратли бўлган деҳқон хўжаликлари у ерларда яшаб кетиши мумкин бўлар эди. Ҳолбуки, ҳукуматнинг фақирларга бериладиган озиқ овқати ва инъом этадиган бир бўлак ерига муҳтож бўлганлар кўчирилганлар орасида кўп сонли эди. Бундайларнинг кўпчилиги ноқулай жойларни ташлаб қочиб кетишган ёхуд янги бўш ерларни қидириб, дайдиб юришган. XX-аср матбуотида ушбу муаммолар кўтарилиб, очикдан очик "кўчиришга, ерсиз, кам ерли деҳқонларни очликдан сақлашга, улар учун елиб югуриб бўш ерлар қидириш кабиларга маблағ сарфлаш ҳукумат пулини шамолда совуриш билан боғлиқ" мазмунидаги мақолалар ҳам босилган. Кўчиб келганлар қашшоқ аҳоли ҳисобланиши, қулай табиий шароитлар ва ер ости ҳамда ер усти бойликлари қанчалик бисёр бўлмасин, улар иқтисодий

қудратга эга бўлмаслигига матбуотдаги кўп мақолаларда ўрин ажратилган. Туркистон минтақасида иқтисодий қудратга эга деҳқон хўжаликлари давлат ҳимоя қўрғони бўла олиши, Хитой, Эрон чегарасида иқтисодий сиёсий миссияни бажариши талаб қилинган. Матбуотдаги кўчириш сиёсати билан боғлиқ мақолалар таҳлил қилинар экан, бу борада ишсиз кишилар оқими вужудга келганлиги, биринчи гуруҳга кўчириш имконияти мавжуд эмас, ўлкада бўш ерлар ва суғориладиган экин майдонлари тугаган, деб ҳисобловчилар, иккинчи гуруҳга кўчириш инсоният эмас, давлат сиёсати уни зарурат деб қараш ва кўчиришни давом эттириш қулай деб ҳисобловчилар ғоявий кураши юз бергани аён бўлади.

#### ХУЛОСА

Таъкидлаш жоизки, Россия империясининг Туркистон ўлкасига Европа тилли аҳолини кўчириш сиёсати ва амалий тадбирлари аввалбошданоқ кутилган натижани бермай, ушбу жараёни бошқариш, қонун ва қоидаларни кутилган натижани бермаганлигини бирламчи манбалар тасдиқлайди. Кўчириш жараёнини тўлиқ назорат кила олмаган империя ҳукумати ва ушбу масалага амалдор ва чиновникларнинг турлича ёндашуви кабилар бу йўналишда мукамал низом ва қоида ишлаб чиқиш учун имкон бермаганди.

#### Фойдаланган адабиётлар:

- 2 Положение об управление Туркестанским краем 1886 г. – СПб., 1886. – С. 4. 3 Гинс Г.К. Основныя начала проекта водного закона для Туркестана. – СПб.: Типогр . Ф.Вайсберга и П.Гершунина, 1912. –С.3.
- 4 Шипов А. Хлопчатобумажная промышленность и важность ее значения для России // Стат. сборник. Отд.2.- М., 1858. – 50 с.; Соболев Л.Н. Географическая и статическая сведения о Зеравшанском округе с приложением списка населенных мест округа // Зап. Рус. Геогр. Общ-ва. Отд. Статистики. Т. IV/ - СПб., 1874. -561. С.; Терентиев М.А. Англия и Россия в Средней Азии. – СПб., 1875. – 195 с.; Терентиев М.А. Англия.